



Қашқадарё воҳаси аҳолисининг кийимлардаги трансформация жараёнлар.

И.И.Абдуллаев
ЎзДЖТСУ ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада воҳа аҳолисининг ҳаётида кийимларнинг ўзига хос хусусиятлари, уар билан боғлиқ этник хусусиятларининг ўрни, аҳоли орасида кийимлардаги турли хил ўзгаришлар, уларнинг ўзига хос хусусияти, қолаверса воҳада истиқомат қилувчи этник гуруҳлар кийимларнинг бошқасидан фарқли томонлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Хос кийимлар, андозалаш, кўйлақлар, худудлар, қорақўл, камзул, яхтак, кўйлак, анъанавий, дўппилар, трансформация, жараён, уй кийими, ўзгаришлар, миллий, аҳоли, этнос, шим –кастюмлар.

Аннотация

В этой статье рассматриваются особенности одежды в быту жителей Оазиса, Роль этнических особенностей, связанных с ОАР, различные изменения в одежде населения, их особенность кроме того, этнические группы, проживающие в оазисе выделяются разные стороны одежды, отличающиеся друг от друга.

Ключевые слова: Специфическая одежда, шаблоны, рубашки, территории, каракули, камзол, яхта, рубашка, традиционный, тюбетейки, трансформация, процесс, домашняя одежда, изменения, Национальный, население, этнос, брюки –костюмы.

ABSTRACT

In this article, the peculiarities of clothing in the life of Oasis residents, The role of ethnic characteristics associated with the UAR, various changes in clothing among the population, their distinctive feature, surviving ethnic groups in the Oasis the different sides of the clothes from the other are highlighted.

Key words: Settlement, Material culture, domed, black houses, ethnocultural influence, Mongolian grass, people's lifestyle, grass, settlements, holes, traditional, mountain, houses

Халқнинг анъанавий моддий маданиятининг бошқа соҳалари сингари кийим – кечаклар ҳам тарихий тараққиёт давомида тараққий этиб юксалиб келган. Олимларнинг тадқиқотлари биз анъанавий деб атайдиган тўн, яхтак, кўйлак, иштонларни XVI асрдан шаклланишини тасдиқлайди. Таниқли халқшунос олима Сухрева О.А Ўрта Осиёдаги анъанавий кийимларнинг янги шакиллари пайдо бўлиши шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ деб ёзади [1].

Кийимларнинг тараққий этиб бориши узлуксиз жараён бўлсада, кийим – кечакларимиздаги кескин ўзгаришлар XIX асрнинг сўнги ва XX асрда юз берган. Бу жараёнлар Россия истилоси ва совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ эканлиги эллушунослар тадқиқотларида батафсил ёритилган. Кийим - кечаклардаги ўзгаришлар ҳам ашёда яъни Россия фабрикаларида жўнатилган ранг баранг гулли матолар, тикув машиналаридан фойдаланишни бошланиши, кийимларнинг бичуви – тикувидаги новасиалар билан боғлиқ бўлган.

Элшунос олима С. Давлатова XX асрда ўзбек миллий кийимлари хусусан Қашқадарё воҳаси аҳолиси либосларини трансформацияси асосий омиллари деб қуйдагиларни кўрсатган[2].



1. Ўлкада содир бўлган улкан сиёсий – ижтимоий ўзгаришлар, зўравонликка асосланган мафкуравий сиёсат;
2. Мамлакатда, республикада хусусан Қашқадарёда ўтказилган саноатлаштириш сиёсати, хусусан енгил саноат корхоналари, фабрика ишлаб чиқаришдаги ютуқлар;
3. Кийим- кечаклар учун матоларни фабрикаларда тўқилиши ва аҳоли учун уни харид қилиш имкониятлари бўлиши.
4. Турли вилоятлар, шаҳарлар орасидаги маданий, савдо – иқтисодий алоқалар;
5. Шаҳар аҳолисининг кийим – бичимлардаги инновасиаларни, атрофидаги раён ва қишлоқ аҳолисига таъсири.

Бизнинг дала этнологик тадқиқотларимизда ахборотлар шуни кўрсатдики Қашқадарё воҳаси аҳолиси ҳам нисбатан фаровон ҳаётга, тўн - кўйлақларни ямоқсиз бўлишига, фабрика кийимлари, пояфзали, рўмоллари, шимлари, этикларига ХХ асрнинг 60-70 йилларидан ўта бошлаганлар. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги ўн йилларда аҳолининг моддий маданиятини кўтаришга эътибор ушбу омилни янада юксалтиради.

ХХ асрнинг биринчи чорагидан бошлаб содда бичимдаги миллий кийимлар ўрнини мураккаб бичимли либослар эгаллай бошлайди. Кийим – кечакларга хос аввалги яхлитлик йўқола борди. Бу борда трансформацион жараёнларга таъсир этувчи омиллар сифатида, аҳолининг ижтимоий таркиби, турмуш тарзидаги ўзгаришлар, фабрика ишлаб чиқаришнинг ҳунармандчиликдан устунлигида намоён бўлади. Айни пайтдан қадимдан табиий иқлим шароитига мос, ижтимоий тоифаларга мос миллий кийим шакллари ҳам ўзгариб борди. Анъанавий кийимлар, тўн, кўйлақ, иштонлар кенг тикилган бўлса, ушбу даврдан кийимлар инсон танасининг нисбатига яқинлаша борди. Аёллар кийими “Хужум” компаниясидан сўнг кўйлақлари торайиб, калталашиб, олдинроқ яратилган накеткали ва қайдарма ёқали кўйлақлар тобора кенг ёйила бошлайди.

Юқоридаги ўзгаришлар миллий кийимларимизни ўз таркибига кўра содда айни пайтда хушбичим ва чиройли бўлишини таъминлайди.

Ўзбек миллий кийими эволюцияси ХХ асрнинг бошларида эркаклар кийимидан бошланган. Тик ёқали “мулла кўйлақ”, енгил ятаклар илк шимларни зиёли жадидлар кия бошлаб, жамиятнинг ушбу тоифали вакиллари кийимларидан ажратиб олиш қийин кечмаган. Халқимиз ҳаётига мактаблар, завод – фабрикаларнинг жорий этилиши шаҳарлар аҳолисининг кўпайиб бориши дастлаб ёшларни, совет ва партия идоралари ходимларини замонавий европача андозалардаги ателеларда тикилган шим-кастюмларни таомилга киришига олиб келади. Натижада анъанавий кийимлар аста – секин қариялар кийимига айлана борди.

ХХ асрнинг 20-30 йилларида кийимлар икки йўналишда ўзгариб борган. Биринчидан ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар ўзбеклар, хусусан Қашқадарё воҳаси аҳолиси кийимларини такомиллаштира, иккинчи томондан европача кийимлар эркакларда шим, аёлларда ҳозирга қадар сақланган жиякларни тарқалишига олиб келади.

ХХ асрнинг 30 йилларида ҳудудда дастлаб шаҳар аҳолиси орасида кейинроқ қишлоқларда татарча камзул (камзон) кийиш урф бўла бошлайди. Қашқадарё воҳасининг юқори қисмида Китоб – Шаҳрисабз туманларида яшовчи саройлар ва барлосларда уни маҳаллий тилда “желан” деб аташган[3]. Эркаклар желаги аёлларникидан фарқ қилган. Желак узун ва кенг аврастарли қилиб тикилган. Айни пайтда воҳа эркаклари кийинишларида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларникига ўхшаш умум ўзбек кийимлари шаклига яқинлашиш, яъни шаҳарга хос кийимларни кийишга ўтиш бошланади. Айни даврда Қашқадарё эркакларининг бекасам тўнлари яшил оқ рангдан ташқари нимқизил рангдаги йўл - йўл тасмалари билан фарқланган. Тўнлардаги ушбу ўзига хослиги вилоятда ҳозирги қадар сақланиб қолган.

Республикамиздаги биринчи моделлар уйи 1949 йили иш бошлаши кийимларни андозалаш санъатининг тараққий этишига тurtки беради. Натижада миллийлик сақланган ҳолда кийимлардаги муштарак шакиллар йил сайин кенг тарқала борди. Бу жараён кийимларнинг европа шаклига хос хусусиятларни жорий этиш, яъни қоматнинг қатъийлиги ва нисбатлар мутаносиблиги билан хусусиятланади. Эркаклар кийимларининг асосини костюм (пиджак)



ва кенг шимлар ташкил этган. Таклид бу борада 40-50 йилларда ҳарбийча кўкрак чўнтаклари бўлган сталинникига ўхшаш кител, галифе тиззадан юқориси кенгайтириб тикилган шимлар хром этикда кузатилса. XX асрнинг 60 йилларида украинача ёқаси ва кенг енглари пастида каштали кўйлақлар, кенг юпка матодан тикиладиган шим ва туфлиларда намоён бўлади. Бундай кийимлар партия, совет идоралари ходимлари, колхозлар раислари айрим зиёлиларда ҳам кенг ёйилади.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб республикамизда аҳолининг кийим – бошлари масаласига жиддий эътибор қаратилади. Собиқ Совет ҳукумати Министрлар Совети бу борада ҳатто махсус қарор ҳам чиқарган[4].

Ушбу қарордан кейин республикамизда кийим – кечак андозаларини лойиҳалаш, режалаштиришга эътибор қаратилади. Республика бўйича ягона стандартлар асосида кийим – бошлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада бошқа вилоятларда бўлгани сингари Қашқадарё воҳасида ҳам фабрикаларда тикилган янги бичимдаги кийимлар ва болалар кийимлари тарқала бошлайди. Ушбу жараён аввал шаҳарлар ҳамда уларнинг атрофидаги кўрғонларда, аҳолининг ижтимоий тоифалари имкониятларига қараб, дастлаб амалдорлар, сўнг зиёлилар ҳамда уларнинг фарзандларида таомилга киради. Янгича русумдаги кийимларнинг кириб келиши миллий бичимдаги анъанавий кийимларни буткул суриб чиқара олмаган. Дастлаб европача кийимлар ишга, ўқишга кийилиб уй шароитида анъанавий кийимларни кийиш давом этади.

Европача бичимдаги кийимларни тобора кенг ёйилишига телевидения, кинотеатрларда ғарб филмларини намойиш қилиниши “Битлз” сингари ансамбиллар артистлари таъсири ҳам озмунча бўлмаган. Европадаги стил ва мода бизга бирмунча соддалашган кўринишда ҳамда маълум муддатдан сўнг кириб келган. Хусусан XX асрнинг 70-йилларида йигитларимизнинг орасида ательэларда тикилган клёш (пасти кенг қилиб тикилган) шимлари, ёқалари кенг нейлон кўйлақлар тарқалган. Айнан мазкур даврда ёшларнинг соч тарашлашида ҳам ўзга хос ўзгаришлар юз берган. Қашқадарё аҳолисида ҳам илгари соч қўйиш, соқол ёки мўйловсиз юриш ислом дини меъёрларига тўғри келмайди деган тушунча устун бўлган. XX асрнинг 70 – 80 йилларидан сочни орқа қисмини ўстириш, соқол мўйловни доимий олиб юриш кенг тарқалади. Бу ўзгаришлар фақат ёшлар орасида эмас 40 – 50 ёшдаги амалдорлар зиёлилар орасида ҳам кенг тус олади.

Узоқ асрлар давомида халқимиз хусусан Қашқадарё воҳаси аҳолиси ҳам ҳоҳ эркак ҳоҳ аёллар бўлсин уйдан ташқарига бош кийимсиз чиқмаганлар. Бош кийимсиз юриш гуноҳ ҳисобланган. Эҳтимол бу қадимда сочни турли инсу-жинслардан асраш билан боғлиқ бўлган эҳтимол. Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда айнан 80 йиллардан атеистик тарбиянинг кучайиши, ислом дини удум – маросимларига қарши кураш, дин удум – маросимларига қарши кураш, дўпинни уй ва маросим кийимига айлантира борди.

XX асрнинг 80 йилларида клёш шимлар нейлон кўйлақлар ўрнини мовут, вельвет ва жинсидан шимлар, пахтали газламалар, трикатаждан кўйлақ, жемгар шим –кастюмлар эгаллай бошлади. Мактабларда ўғил болаларга оқ кўйлақ ва костюм-шим, қизларга, оқ ёқали қора, жигаррангли фартуклар юбкалар калготка ва пайпоқлар кийдира бошлашади.

Қашқадарё аҳолисининг катта қисмини ташкил этган қишлоқлардаги деҳқончилик аҳолиси кундалик кийимлари шаҳарлардан узоқ – яқинлигига қараб трансформацияга учраган. Бу борада айнан қишлоқларда XX аср давомида анъанавий кийимлар тўн, яхтак, белбоғ, салла, махси, ковуш, иштон, лозим ва ҳ.к.лар қариялар кийимларига айлана борди. Анъанавий русумдаги яхтак, кўйлақ, ва иштонлар нафақат ишлаш учун қулайлиги билан балки иссиқ иқлим шароитида танани муҳофаза қилувчи восита ҳам бўлган. Шунинг учун бундай бичимдаги тикилган кийимлар дала, уй – ишлари юмушларини бажаришда ҳам кийилган. XX асрнинг ўрталаридан ишчи деҳқонларнинг совуқ мавсумда киядиган асосий кийми пахтали фабрикаларда тикилган қорамтир рангдаги фудболкалар бўлган. Айни пайтда чўпонлар кигиздан тикилган чакмонларни кийиб қишда ҳам яйлов ва қораларда отарлардаги кўйлар ва бошқа молларга қарашган. Телпақлар, дўппилар аҳолининг моддий имкониятларига қараб:



андатра, куён, қорақўл териларидан ёки оддий сунъий мўйнадан тикилган кулоқчинлар кенг тарқалиб борган.

Ушбу даврдан эркакалар кийимлардаги ўзгаришларга бошга гилияна (қалпоқ), ички кийимлардан майка, турси, устки кийимлардан турли майка, жемпер, курткаларни кўрсатишлари мумкин. Балон курткалар ёғингарчилик мавсумларида кийилиб ҳозирга қадар ёшларга ҳам ёши катталарда ҳам қулай кийимлар қаторига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки халқимизда анъанавий бўлмаган, ислом ақидаларига мос келмайдиган кийимлар кепка, фуropicа, майка тор ёки кенг шимларни кийишни тарқалиши енгил кечмаган. Неча авлод вакиллари бу жараёнга доимо қарши фикр билдирган. Лекин инновация жараёнлари аста – секин энг узок қишлоқда яшовчи аҳолини ҳам ўз домига тортган. Энг муҳими бу ўзгаришлар бир авлод вакиллари ҳаёти давомида рўй беради[5]. Кейинчалик воҳа аҳолисининг бутунлай янги турдаги кийимлар (хусусан шляпа, фуражка, кепка) га нисбатан танқидий муносабатлари ўзгариб боради. Бу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, урбанизация, этноинтеграция жараёнлари таъсирида маълум даражада телевидения, кинофелмлар, журналлар ва газеталардаги фото суратлар, мақолалар таъсирида бўлиши шубҳасиз.

Совуқ мавсумда эркакалар киядиган кийимлар трансформациясига тўхталадиган бўлсак, бу жараён XX асрнинг 60 – йилларида бошланади. Дастлаб шаҳар аҳолиси, кейинчалик эса қишлоқларда ҳам эркакалар: ёши, ижтимоий ҳолатига қараб фабрикаларда тикиладиган плаш ва палтолларни, шарф билан кийишлари русум бўла борди. Палтолларнинг ёқаси қорақўл терисидан ёки сунъий мўйна билан безатилган. Жундан тўқилган жемперлар ҳам шу пайтдан кийила бошланади.

Эркакалар пояфзалга тўхтатиладиган бўлсак анъанавий оёқ кийимлари муҳи чориқлар 50 – йилларга келиб фабрикаларда тикилган поябзалларга ўз ўрнини бўшатиб берди. Айнан шу пайтдан ипдан ёки жундан тўқилган пайпоқлар ҳам тарқалган. Дастлаб хром ва қишлоқларда керза, резина этиклар кийилган бўлса кейинчалик туфли, ботинкалар (маҳаллий шевада патинка) расм бўла бошлайди. Биз бугунги кунда 60 – 80 ёшли кишилар жумладан ахборотчилар билан суҳбатлашсак айнан уларнинг ёшлигидан кийим – кечаклардаги трансформация жараёнлари қандай кечганлигини кўз олдимизга келтирамиз[6]. Кейинчалик уйда кийиладиган кийимлар қаторига спорт кийимлари, футболкалар, крассовкалар, кетилар кўшилган. Қашқадарё воҳаси аҳолисида ҳам 80 – 90 йилларда анъанавий кийимлар асосан қариялар орасида сақланиб қолади. Ўсмирлар, ўрта ёшдаги эркакалар эса анъанавий кийимларни аксари уй шароитида ёки маросимларда кийиша бошлайди[7].

XX асрда рўй берган этномаданий жараёнлар енгил саноатга замонавий технологияларнинг кириб келиши, кийимлар тури ва шакиллари, бичимларнинг ўзгариб бориши хотин – қизлар кийим кечаклари ва тақинчоқларида ҳам трансформацияларга сабаб бўлади.

Трансформация жараёнларининг илк аломатлари XX асрнинг бошларида узун, кенг тик ёқали кўйлақларни тарқалишида кузатилади. Тик ёқали кўйлақлар исломий таомилларга мос келганидан уларни тарқалиши аҳоли орасида катта эътирозларга олиб келмаган. Тик ёқали кўйлақлар кийиш 30 – йилларда кенг оммавий тус олган. Бундай кўйлақлар дастлаб 20-йилларда қизчалар ва ўсмир қизларда тарқалади.

XX асрнинг 40-йилларидан тик ёқали кўйлақлар ўрнида европача ёки ярим европача турдаги қайдарма ёқали кўйлақлар русимга кира бошлайди[8]. Бу хилдаги кўйлақлар ҳам дастлаб шаҳарларда ёш қизлар ёки зиёли давлат хизматида ишлайдиган хотин – қизларда таомилга кирган. Кекса ёшдаги аёллар ҳам тика ёқали кўйлақларни кийишда давом этади. Биз бундай аёллар кўйлақларини “Тошкент нон шаҳри” ва “Маҳаллада дув – дув гап” филлимида Лутфи ая Саримсоқова ўйнаган ролларда кўришимиз мумкин.

Ўрта Осиё халқлари анъанавий кийимлари таркибига XX аср бошларида кирган янги бичимдаги кийимлардан бири камзондир. Уни турли вилоятларда турлича “камзур”, “камзун”, “камзол” номлар билан аташган. Қашқадарё воҳасида бу камзоллар 40-йилларда шаҳарларда, сўнг йирик аҳоли қўрғонлари, қишлоқларда ҳам урф бўла бошлайди. Камзол



ёқаси “кўш ёқа” усулида, икки учбурчак ёқа шаклида ва икки тарафида ён чўнтаклари бўлган. Камзулларнинг олдини аввал боғич билан ёпишган, кейинчалик фабрика тугмалари тикиладиган бўлади. Қашқадарё аҳолиси маҳаллий шевада чўнтакларни “киста” деб атайдди. Аҳолиси чорвачилик билан шуғулланадиган Ғузор. Дехқонобод тумани қишлоқларида камзулни юпка пахта солиб тикишган ва бу кийим маҳаллий аҳоли томонидан “камзул-чўпон”, “узун камзул” деб аталган.

Вазифасига кўра яқин авратли қилиб тикиладиган кўйлак устидан кийиладиган яна бир кийим тури “нимча” ёки “камзулча”дир. Бу белга бир мунча ёпишиб турадиган тор ва калта ўйма ўмизли, қайдарма ёқали, базан ингичка камарли, ён чўнтаклари бўлган қулай кундалик кийимдир[9].

Камзуллар учун аксари рангли йўл - йўл беқасам, дуқоба, бахмал ёки хориж матолари ишлатилган. Қашқадарё воҳасида Китоб ва Шаҳрисабз чеварлари тиккан нимчалар машҳур бўлган. Пахта солиб тўқилганлари “гуппи”, гуппича номлари билан аталган. Чорвадор аҳоли аёллари нимчани ичига жун солиб қавиганлар ҳамда уни совуқ кунларда қисқа муддатга ташқарига чиқиб молларга қарашда кийишган. Енгсиз калта нимчаларни болалар, ёш қизлар ҳам кийган. Кексалар эса ҳозирга қадар нимчалардан уй кийим сифатида фойдаланиб келмоқдалар[10]. Камзул, жемпер, кастюмларнинг нимчанинг тарқалиши 30 – 40 йилларда аёлларни уларни кўйлак устидан кийиб кўчага чиқишларига имкон яратгани билан муҳимдир. Республикамизнинг Бошқа ҳудудларида бўлгани сингари “кўкрак Бурма” ёқали кўйлакларни кийиш Қашқадарё вилояти аҳолисида ҳам 20 – 30 йилларда урф бўлган. Бу хилдаги кўйлаклар бутун аср давомида сақланган. Хусусан биз бугунги кунда ҳам қишлоқнинг кекса ёшдаги аёлларида кўришимиз мумкин[11].

Маҳаллий аёллар кўпинча уйда кийиладиган кундалик уй кийимлари сифатида сатин, чит сингари нисбатан арзон матолардан кўйлаклар тикиб кийишган. XX асрнинг 60 – 70 йилларида келинлар. Қизлар, ёш жувонлар ишга, ўқишга ипакдан атлас ёки адрасдан кўйлакларни кийишган. Айнан 60 йиллардан воҳа аёлларида қишда европача фасондаги ёқали палтоларни кийиш бошланади. Одатда бундай палтолар фабрикаларда тикилиб магазинлардан сотиб олинган ёки ательёлардан буюртмалар бўйича тикилган. Хотин – қизлар оммасида айни шу даврдан юмшоқ калта туфли қора духоба ва бахмалдан тикилган палтоларни кийиш русум бўлган.

XX аср давомида аёлларнинг бош кийимларида ҳам кескин трансформациялар бўлган. Жумладан 60 – 70 йилларда воҳада яшовчи хотин –қизлар уйдан ташқарига дўппи кийиб чиққанлар. Ёш келинлар дўппи устидан енгил рўмол ташлаб пешаналарини ёпиб юрганлар. Ўша йиллари турли ҳажимдаги гулли гардишин рўмоллар кенг оммалашган. Рўмолнинг маросимий функциялари унутилган бўлсада Қашқадарё воҳасида яшаган қўнғирот ва қатағон қабилалари аёлларида аёлларни ёш босқичлари янги рўмол ўраш билан нишонлаган.

Дўппилар турли нусхаларда бўлиб, ҳар Хил номлар билан аталган. Паранжи ташлагунга қадар аёллар ромол остидан учсиз юмалоқ дўппи кийишган. Кейин тўртбурчак дўппиларни кийиш расм бўлган ва бу хилдаги дўппилар воҳанинг баъзи қишлоқларида ҳозирга қадар кийиб келинмоқда. Аҳоли орасида Шаҳрисабз ва Китоб дўппилари “зар паранг” номли матодан тикилган бўлиб, унинг четлари “чийак” билан безатилган. Унинг таг қисми кўк, усти тўқ қизил рангда бўлган. Барча нақишлар қора чизик билан айлантириб чиқилган. Халқимизга хос дўппи тақялар - “санама”, “чизма”, “чероқи”, “тагдўзи” каби нақишлар билан безатилган ва “офтоб паро”, “качгулх”, “чаппарчинни гул”, “чинор барги” каби бетакрор гул нақишларига, каштадўзлик санъати наъмуналарига эга бўлган[12].

Мустақиллика эришилгандан сўнг XX асрнинг 90- йилларидан хориждан маҳаллий анъаналримизга ёт кийим-кечаклар ҳам кириб келди. Бир томондан инсон танасини ярим яланғоч ҳолатида кўрсатувчи ғарб маданиятига хос кийимлар, иккинчи томондан бутунлай бекик қоп – қора рангдаги шарқ хижоблари урф бўла бошлади. Олий ўқув юртлари, маориф муассасаларида мамлакатимиз дунёвий давлат эканлиги, исломни ёд ақидаларини тушуниб – тушунмай қабул қилиниши бизнинг миллий мафкурамизга тўғри келмаслиги ҳақидаги



тарғибот ташвиқот ишлари ўз самарасини бериб, бугунги кунда ёшларимизда ҳозирги замон талаблари бўйича тўғри тушунчалар яратилишига эришилди. Сўнгги йилларда миллий анъаналаримизга мос атлас, адрес, беқасам шойилардан замонавий кийимлар тизимини яратишга уни телвидения орқали кенг тарғибот этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Аёллар либослар ва бошқа кийимлардаги ўзгаришлар XX асрнинг иккинчи яримидан зеб зийнатлар турлари уларни тақиш борасида ҳам қатор трансформациялар рўй берди. Жумладан анъанавий тақинчоқлар: булоқи, арабоқ, натти кабига бурунга тақиладиган сирғалар кўкракка ва пешанага тақилладиган тиллақош, баргак, силсила, ҳайкон, зебигардон каби қадимий безаклар кундалик ҳаётдан чиқиб кета бошлайди. Айни пайтда турли мунчоқ ва узуклар сақланиб қолади[13]. Тошкентда 1963 йили заргарлик фабрикасини ташкил этилиши кустар усулида қимматбаҳо маданлардан зеб – зийнатлар ясашни марказлаштиради. Заргар усталар, расомлар ва бошқа мутахасислар ҳамкорликда замонавий айни пайтда миллий услубдаги тақинчоқларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. XX асрнинг иккинчи яримидан дастлаб эркаклар сўнг аёллар, қизлар ҳам қўл соатлари тақа бошлайдилар.

Аёллар поябзали борасида ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак шуни алоҳида таъкидлаш лозимки Россия фабрикаларида XIX аср охиридан тайёрлана бошланган калишлар жуда тез ва кенг тарқалган. Бу ҳақида таниқли элншунос олим Ҳ.Исломов ўз асарларида бевоста тўхталиб ўтган[14]. Мазкур даврда маҳаллий бозорларда Европа шаҳарларидан келтирилган хром, шагрен, упука тери турларидан тикилган поябзаллар ҳам сотилган. Чаримга мохирлик билан ишлов беришнинг турли усуллари пухта эгаллаган маҳаллий уста –кўнчилар терини табиий усулларда ишлаб бўяшнинг сирларини билишган. Натижада Бухоро, Самарқанд усталари қатори Қарши, Шахрисабз ҳунармандлари ҳам от, хўкиз териларидан майин ва чиройли чарм зангори рангли шагрен тайёрлаб ундан поябзал тикиш сирларини ўзлаштирганлар. Маҳаллий усталар зангори чаримдан ташқари уй - рўзғор буюмлари ва китоб муқоваларини ҳам тайёрлаганлар. Бўялган ағдарма чармлардан ҳарбийлар ва овчилар учун махсус шим ва пўстинлар тикилиб улар босма ипак кашталар билан безатилган.


Фабрикаларда ишлаб чиқарилган резинадан оёқ кийимларни XX асрнинг 30 – йилларидан халқ орасида кенг тарқала бошлайди. Республикамиз шаҳарларида 1927 - 1940 йиллар орасида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Тўрткўл, Термиз, Андижон, Чирчиқ шаҳарларида поябзал фабрикалари қурилган. Уларда туфли, ботинка, сандел, шиппак, пийма, калиш ва махсус ишчилар учун оёқ кийимлари тикилган. Айнан шу даврда уй ичида кийиладиган тапочка ва шиппаклар кийиш оммалашди.

XX асрнинг 90 – йилларида ёшлар орасида хорижда ишлаб чиқилган қрассовкаларни кийиш кенг тарқалади. Фарғона поябзал акционерлик жамияти Германиянинг “Саламандер” фирмаси билан ҳам ҳақорликда 1995 – йили тузилган

“Узсаламан” кўшма корхонаси турли Хил поябзаллар чиқара бошлаган.

Воҳа аҳолисининг кийим бошларида трансформация жараёнлари маросимий кийимларида ҳам ўз аксини топган. Агар XX асрнинг биринчи яримида кийилган маросим кийимларини ўзининг анъанавия бичими ва кўринишлари сақлаб қолган эди. Қизларнинг никоҳ тўйларидаги кийимларидаги ўзгаришлар 70 – йилларнинг охири – 80 йилларнинг бошларидан эътиборан бошланади. Хусусан келинни европача оқ кўйлак ва фото кийиши айнан шу даврдан урф бўла бошлайди. Никоҳ узукларини бир – бирига тақиш, киёвнинг европача шим – кастюми, галустук тақиши ҳам русмга айлана борди. Байрамона кийиниш нафақат Наврўз, ҳайит, никоҳ ва суннат тўйларида балки 1 май, 7 ноябирда ўтказиладиган намойиш ҳамда сайилларда ҳам расм бўлган[15].

Кийимларни рассомлар билан ҳамкорликда моделлаш, лойиҳалаш ва андозалаш, бу чизмаларни журналларда нашр этиб тарқалиши 70 – 80 йиллардан бошланган[16]. Янги кийимларни кийиш одатда дастлаб совет бошқаруви идоралари, талаба ёшлар бошлаб беришган. Айнан 80 – йиллардан касб – кор билан боғлиқ янги турдаги кийимлар шакиллана бошлайди. Хусусан врачлар, сотувчилар, касб-ҳунар мактаблари, завод – фабрика ишчилари махсус бир хилда тикилган форма кийимлар кия бошлайди.



Қашқадарё воҳаси аҳолиси кийимларидаги трансформация жараёнлар ҳақида сўз юритилганда болалар кийимларига ҳам тўхталиш жоиздир. Ўтмишда болалар кийимлари ҳам катталарникига ўхшаш кўйлак, иштон, тўн, казулча, чориг бўлиб, улар XX асрнинг ўрталарига қадар ўзгаришсиз келган. Болалар кийимида анъанавий чопон ва яктақлар ўрнига ёзда майка – турси, кастюм – шимчалар 50 – 60 йиллардан тарқала бошлайди. Анъанавий бош кийими дўппиларга кўшимча панама қалпоқча, бейсболкалар, чақалоқлар учун махсус тикилган кўйлакча ва иштонларни оммалашуви ҳам 70 йиллардан урф бўлган. Айнан шу пайтдан мактабларда кастюм – шим оқ кўйлак, қизлар учун жигарранг, кўк рангдаги форма оқ фартуклар таомилга кирган. Болалар айниқиса чақалоқларни инс-жинслар, ёмон кўзлардан асраш учун кийим бошларига кўзmunчоқ тумор турли патларни тақиш такомиллашуви оқ, қора, яшил шиша кўзmunчоқларни тақиш урф бўлган. Тоғли қишлоқларда болаларнинг кийимларига бўри айиқ каби ёввойи ҳайвонларни тирноғи, тишларини тақишган.


Қашқадарё воҳаси аҳолиси томонида XX аср охирига келиб кишилар дидига қараб ўзига мос деб ҳисоблаган кийимларни кийиши оммалашди. Натижада шаҳарларда деярли барча ёшдаги эркаклар европа русимидаги кийимларни кийишмоқда. Миллий кийим элементларидан дўппи ва тўнлар сақланиб қолмоқда. Қишлоқларда, шаҳарларда ҳам нуруний отахонлар тўн махси – калиш салла, яхтақларни кийишда давом этмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари XX аср давомида кескин ўзгаришларга учради. Анъанавий кийимларимизнинг аксари кўпчилиги турмуш тарзимиз, ҳаётимиздан чиқиб миллий қадриятларга айланган. Анъанавий кийимларимизга европа либослари элементларини киритиш уларни аввалги уйғунлигини йўқолишига олиб келди. Ушбу трансформация жараёнлари халқимиз турмушидаги ўзгаришлар, кийим – кечакларни ишлаб чиқаришни саноат аосига қўйилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўтган XX асрда урбанизация, енгил саноатнинг юксалиши инсонлар диди ва талаб эҳтиёжларини доимо юксалиб бориши, қолаверса этнослараро алоқалар коммуникация воситаларининг тараққиёти кийимларимизни бугунги ҳолатини юзага келтирди.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати: (References)

1. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарканд (2-я половина XX–нач XX века) -М.1982-С 7.
2. Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари анъанавийлик ва замонавийлик -Т. 2006. – Б.124.
3. Дала маълумотлари. Шаҳрисабз шаҳри. 2016 й
4. Постановление Совета Министров СССР № 2493 и № 2494 от 28 мая 1952 года “Об улучшении качества верхней одежды и головных уборов.
5. Салимов Т.У. Дала этнографик тадқиқотлар усуллари. -Т. 1993, -Б.24.
6. Дала ёзувлари. Қарши тумани Ширкин қишлоғи 2016 й
7. Зуннунова Т.Ш. Маҳаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари // Тошкент маҳаллари: анъаналар ва замонавийлик. –Т., 2002, -Б. 91.
8. Абдуллаев Т.С. Ҳасанова С.А. Одежда узбеков. -Т 1978, -Б.7
9. Зуннунова Т.Ш. Маҳаллада яшовчи ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари ..., Б. 90.
10. Дала маълумотлари. Деҳқанобод тумани, Оқработ қишлоғи. 2017 й
11. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. - Т 1978. –Б. 2 – 8; Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX – нач XX в.в. // Костюм народов Средней Азии. -М., «Наука» 1979 г. -С 133 – 151; Сухарева О.А. Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкиран. - Т 1956, -С. 118.
12. Шаниязов К. Исмоилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в. -Т. «Фан» 1981 г. -С 90.



-
13. Лобачева Н.П. Особенности костюма народов Среднеазиатский этнографический сборник. –М. 2001. Вып. 4. –С. 69-95.
 14. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари 40 б.
 15. Дала маълумотлари. Китоб тумани Қайнар қишлоғи 2016 й
 16. Фахретдинова Д, Абдуллаева Н. Миллий кийимлар. // Ўзбекистон Республикаси. -Т. 1997, -Б.550